Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 16-sentabr • Seshanba • 113 (27.918) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир... мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор».

СИФАТ ҲАМ, САМАРАДОРЛИК ҲАМ ОШДИ

Бундан 15 йил бурун иш бошлаган «Мурувват Текс» хорижий шўъба корхонасининг Гурлан фабрикасида эндиликда йилига 4,5 минг тоннага қадар пахта толаси қайта ишланмоқда. Ўтган вақт ичида бу ерда 19 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда Германия, Италия, Туркия давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Натижада ишда сифат ҳам, самарадорлик ҳам ортди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида корхонада 1654 тонна ип калава ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми 1 миллион 230 минг АҚШ долларини ташкил этди. Мазкур кўрсаткичлар тобора ошиб бормоқда.

Муҳими, корхонада ишчилар учун барча шарт-шароит муҳайё. Уч маҳал иссиқ овқат, ишга келиб кетиш учун транспорт воситалари, тиббий хизмат — барчаси намунали йўлга қўйилган.

Суратларда: жамоанинг илғор ишчиси Хуршида Худойберганова ва корхона цехида.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Сирдарё вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни мақсадда Сардоба туманида бандликка кўмаклашиш маркази томонидан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда ўттизга яқин корхона ва ташкилот 150 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбирда иш таклиф этаётган корхона ва ташкилотлар фаолияти ҳақида кўргазмалар намойиш қилинди. Талабгорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Шу куни 126 фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

— Бу йил Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини тамомладим, — дейди сардобалик Нилуфар Бекмуродова. — Ярмаркада Сардоба тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг ҳисобчилик бўлимига ишга таклиф этишди. Мазкур марказда ишлаб, билим ва малакамни оширишга ахд қилдим.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири

Муносабат

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, моддий рағбатлантиришни кучайтиришга бағишланган қарорлари нафақат таълим соҳаси ходимлари ўртасида, балки жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришларни эътиборсиз қолдирмайдиган барча кишиларни бирдай қувонтирмоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди».

Халқимиз ўқитувчи, мураббийларни эъзозлаб устоз деб атайди ва иззат-ҳурматини жойига қўяди. Ҳеч бир мамлакатда устозни улуғлаш, қадрлаш биздагичалик олий мақомга эга бўлмаса керак. Кўчакўйдами, тўй-маъракадами, бозор-ўчардами, корхонаидорадами, қаерда бўлмасин, устозга бўлган муносабатда ҳурмат сақлаймиз. Маслаҳатли иш чиқиб қолгудек бўлса, устозларга мурожаат қиламиз. «Устоз отангдек улуғ» деган мақол ҳам ўйлаб топилмаган, у тарихий ривожланиш ҳосиласи. Бу асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятдир. Шу сабабдан, Президентимизнинг қарорлари жамоатчилигимиз эътиборини тортди, ҳар бир юртдошимиз таълим соҳаси ходимларига бўлган ғамхўрликни ўзларига бўлган эътибордек қабул қилдилар. Бу бор гап, бор ҳақиқат. Чунки, умримиз давомчилари бўлган фарзандларимиз тақдири, мамлакат келажаги устозлар меҳнатига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида зиёлиларга нисбатан том маънодаги янгича муносабат шаклланди. Уларнинг меҳнатлари, баркамол авлодни тарбиялашдек заҳматли изланишларига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқ ўқитувчиси, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси каби унвонлар таъсис этилди. «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлар орасида муҳтарам устозларимиз ҳам борлиги дилларимизга ғурур бағишлайди. Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида ўқитувчиларимиздан яна бири — Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори Эгамберган Каримов давлатимизнинг мана шундай юксак мукофотига сазовор бўлгани барчамизни мамнун этганлигини таъкидлаб ўтишни истардим.

Дунёнинг камдан-кам мамлакатида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Президентимиз томонидан берилган бу эътибор дилларга ғурур ва хушнудлик бахш этади. Шу маънода, мамлакатимизда устоз-мураббийларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган ишларга тобора катта аҳамият берилаётгани диққатга сазовор. Келажагимизни уларнинг меҳнати билан боғлаш, уларга ишониш, самарали фаолиятларини рағбатлантириб бориш янги жамият қуришнинг пойдеворларидан бири дея эътироф этилмоқда.

2-бет

Қарор ва ижро

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари тақдимномасига асосан шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда гап борди. Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Халимов ва бошқалар Президентимиз тақдимномасига асосан қабул қилинган ушбу қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидладилар.

Амнистия татбиқ этилиши кутилаётган шахслар суднинг ажрими билан жазодан ёки жавобгарликдан озод қилинади. Бу фуқароларнинг озодликка бўлган ҳуқуқи судлар томонидан адолатли ҳал этилишини таъминлаб, инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тегишли хизматлар раҳбарлари, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиқлари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди. Жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашиши юзасидан тегишли чоралар кўрилиши лозим. Уларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар эса ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун зарур шароит яратилиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда бу йўналишдаги вазифаларнинг изчил таъминланишига оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008

ЁШ ФАОЛЛАР БЕЛЛАШДИ

Мамлакатимизда 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» танлови эълон қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикасида танловнинг барча босқичлари қизғин ўтди. Танловларда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар 4 та шарт бўйича беллашдилар. Фуқаролик жамияти қурилиши, унда сиёсий партияларнинг иштироки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида белгиланган устувор вазифалар ва қонунларни тарғиб қилишга оид қизғин баҳслардан муваффақиятли ўтганлар кейинги босқичга йўлланма олишди.

Куни кеча танловнинг Қорақалпоғистон республика босқичи ҳам бўлиб ўтди. ЎзХДП Беруний туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти жамоасини томошабинлар ўзгача кутиб олди. Уларнинг чиқишлари, «Истиқбол» ЁҚ тўғрисида таассуротлари акс этган эмблема, кўкрак нишонининг дизайни, ишланиши уларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билим даражаси, истеъдоди нақадар юқорилигини намоён қилди.

— Ер курраси устида турган қиз билан йигит ўртасида унибўсаётган ниҳол, орқада чарақлаган қуёш мамлакатимиз ёшларининг порлоқ келажагини, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Истиқбол» ЁҚ ёзувлари тагидаги 12 та юлдуз, юлдузлар устига муҳрланган «Ўзбекистон» ёзуви юртимизнинг дунёда ўз ўрнини эгаллаб, буюк давлат бўлишига ишонч ифодасидир, — дея таъкидлади танлов иштирокчиси, Беруний агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи тарих фани ўқитувчиси С.Аметов.

Семинар-тренинг, учрашув, баҳс-мунозараларда оловдек ёниб иштирок этадиган Амударё туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси С.Реймова саҳнада лидерликка нақадар қобилиятли эканини кенг намоён этди.

2-бет

«Тошкент» халқаро аэропортида янги модификациядаги «Ил-114-100» ҳаво кемасида «Тошкент — Қарши — Тошкент» йўналиши бўйича илк парвоз тақдимот ўтказилди. Унда «O`zbekiston havo yo`llari» миллий авиакомпанияси, «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, Давлатлараро авиация қўмитаси, «Ильюшин» Конструкторлик бюроси — АК «ИЛ» ОАЖ (Россия), Давлатлараро авиация қўмитаси, қатор авиакомпаниялар, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тақдимот

ПАРВОЗ ЯНГИ МОДИФИКАЦИЯДАГИ «ИЛ-114-100» САМОЛЁТИДА БАЖАРИЛДИ

Маълумки, Миллий авиакомпаниямиз «Ил-114-100» ҳаво кемасидан беш йилдан бери фойдаланиб келаяпти. У замонавий авиация ташувлари бозорининг барча талабларига жавоб беради ҳамда парвоз-техник ва иқтисодий хусусиятларининг оптимал тарзда ўзаро мувофиқлиги билан фарқ қилади. Авиаёқилғи нархлари ошиб бораётган айни замонда эса мазкур самолётнинг ёқилғи сарфлашдаги тежамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида «O`zbekiston havo yo`llari» миллий авиакомпаниясининг самолёт парки яна бир «Ил-114-100» авиалайнери билан тўлдирилди.

Шуни айтиш керакки, «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси»да йиғилган, ҳар томонлама қулай бўлган ушбу ҳаво кемаси батамом замонавийлаштирилган. Россиянинг самолёт конструкциясини ишлаб чиқувчи «Ил» ОАЖ мутахассислари томонидан ўзбекистонлик самолётсозлар ва учувчиларнинг барча талаб ва таклифлари инобатга олинган. Ҳаво кемасини бошқариш аниқлиги оширилди. Самолёт Россияда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар, АҚШнинг «Rockwel Collins» фирмасининг энг янги авионикаси, «Pratt&Whitney Canada» (PWC) фирмасининг авиадвигателлари, «Hamilton Sundstrand» (АҚШ) фирмасининг ҳаво винтлари ва «Honeywell» (АҚШ) фирмасининг ёрдамчи куч қурилмаси билан жиҳозланди. Самолёт қўнишга автоматик равишда кириш ҳамда минтақамизда муҳим аҳамиятга эга бўлган Янги лайнернинг ёқилғи сарфлашдаги жуда тежамкорлигини, унинг барча техник хусусиятлари анча яхшиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тақдимот маросимида таъкидланганидек, сентябрь ойи охирида миллий авиакомпания «ЧТАИБ» ДАЖдан яна бир «Ил-114-100» самолётини олади. Яна бир неча шундай русумдаги ҳаво кемаларини ишлаб чиқаришга буюртма берилган. Келажакда МАК йўналишлари бўйича парвозларни бажараётган «Як-40» ва «Ан-24» самолётлари «Ил-114-100» авиалайнерларига алмаштирилиб, парвозларнинг янада қулай ва хавфсиз бўлишига замин яратилади. Бунга тақдимот иштирокчилари шу куни «Тошкент—Қарши—Тошкент» йўналишида янги модификациядаги ҳаво кемасида қилган илк парвоз чоғида ўзлари амин бўлишди.

Алишер РЎЗИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 16 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1088,83
1 Англия фунт стерлинги	2390,80
1 Дания кронаси	256,45
1 БАА дирхами	361,14
1 АҚШ доллари	1326,38
1 Миср фунти	245,49
1 Исландия кронаси	14,95
1 Канада доллари	1250,59
1 Хитой юани	194,00
1 Малайзия рингити	384,46
1 Польша злотийси	571,30
1 СДР	2044,11
1 Туркия лираси	1072,69
1 Швейцария франки	1192,14
1 ЕВРО	1911,58
10 Жанубий Корея вони	12,00
10 Япония иенаси	125,64
1 Россия рубли	51,61
1 Украина гривнаси	273,35

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА
КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бизнинг бош вазифамиз — ёшларга таълим ва тарбия бериш, уларни камолотга етказиш. Шундай экан, соҳамизни ривожлантириш олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битирувчилар малакаси қандай, улар ўз ўринларини топишяптими, ишлаб чиқаришга бориб қийналиб қолмаяптиларми, ёш мутахассисларга ишлаб чиқаришда қандай талаблар қўйилмоқда, деган саволлар ўйлантириши табиий. Саволларнинг жавоби тайёрланаётган кадрлар малакаси билан боғлиқ. Кадрлар сифати ҳақида гапирганда, қуйидаги муҳим бир узвий боғланишни эсдан чиқармаслик зарур деб ўйлайман. Ривожланишнинг бугунги босқичида таълим соҳасида олиб борилаётган туб ўзгаришларимиз, ишлаб чиқаришда кечаётган туб ислоҳотлар, техник қайта қуролланиш, татбиқ этилаётган замонавий технологияларга мос тушиши лозим. Аудиторияларда ўқитилаётган, ўрганилаётган билимлар ишлаб чиқариш жараёнларидан орқада қолмаслиги борасида янада жиддий ўйлашимиз зарур. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳақида назарий йўриқномалардан амалий ишга ўтиш вақти-соати етди. Ишлаб чиқаришнинг талаб ва таклифи билан кадрлар тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликда ишлаш, мутахассисни биргаликда тайёрлаш сифат даражасини кўтаришнинг омили бўлади.

Ушбу қарорлар замирида иқтидорли, қобилиятли йигит-қизларни илмга тортиш, уларни асраб-авайлаб тарбиялашдек муҳим вазифа турибди. Ёшларда илм билан шуғулланишга бўлган қизиқишни кучайтириш, уларни илм деган саодатли фаолиятга тортиш, «игна билан қудуқ қазиш» машаққатини туйишга, ундан фахр ва ифтихор қилиш бахтига муяссар бўлишига эришишдек улуғ мақсадларни қалбимизга жо қилиб, шунга яраша фидойилик кўрсатмоғимиз лозим. Сир эмас, бугунги ёшларимиз орасида жамиятда ўз мавқеига эга бўлишдек мураккаб, машаққатли, инсон умр бўйи меҳнат қилиб эришадиган ишларга бир ҳаракат билан осонгина эришишни хоҳлайдиганлар ҳам бор. Илмда эса енгил ва осон йўл йўқ. Бу йўлда қийинчиликлар, мураккабликлар бор. Ҳаётнинг баъзи бир неъмати-ю лаззатларидан воз кечиб, фақат ва фақат яратиш машаққати билан яшаш керак бўлади. Албатта, бундай инсонлар қарорда кўрсатилганидек, моддий ва маънавий рағбатга лойиқдир.

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг муҳим жиҳатларидан яна бири — бу ойлик иш ҳақларини табақалаштирилган тизимига ўтишнинг жорий этилишидир. Биринчидан, олий ўқув юртлари гуруҳларга ажратилганлиги — бу жамоанинг ўз устида ишлашига туртки бўлади. Доимийлик асосидаги ривожланиш сари боришига ундайди. Иккинчидан, ходимнинг лавозими, илмий даражаси ва унвонига қараб табақалаштирилган ойлик иш ҳақи тайинланиши ўқитувчини ўз устида ишлашини, таълим-тарбия жараёнидаги фаолиятини доимий равишда мукаммаллаштириб боришини тақозо этади. Шу мақсадда қарорда профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ходимларнинг хорижий тилларни билишлари, муайян хизмат муддатларини адо этганликлари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш лозимки, Президент қарорлари таълим соҳаси ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишдаги муҳим қадамлардан ҳисобланади. Ўйлайманки, халқимизнинг ҳурматида, давлатимизнинг эътиборида бўлган биз, ўқитувчи-мураббийлар шу эъзоз ва ғамхўрликка муносиб меҳнат билан жавоб бериш масъулиятини чуқур англашимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Муродулла НОРМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Фракция фаолияти

ҲАЁТ ТАЛАБИ АСОСИДА

ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Улуғбек Жалменов маъруза қилди.

Мазкур Битим 1996 йил 21 июнда Флоренцияда имзоланган. 1996 йил 30 август Олий Мажлис қарори билан ратификация қилинган ҳамда 1999 йил 1 июлда кучга кирган. 2004 йилда Европа Иттифоқига 10 та янги давлат аъзо бўлиб кириши муносабати билан 2004 йил 30 апрелда Брюсселда мазкур Битимга Баённома имзоланган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ратификация қилинган ва 2005 йил 1 ноябрда кучга кирган.

Ҳозир қабул қилинаётган қонун лойиҳаси 2007 йил 1 январдан Болгария ва Руминиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши билан боғлиқдир. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган.

Баённомадан мақсад — Болгария Республикаси ва Руминиянинг Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга қўшилишини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришдан иборат. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик муносабатини янги босқичга кўтариши билан аҳамиятлидир.

Фракция аъзолари, шунингдек, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Лойиҳа юзасидан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Олим Ўсаров сўзга чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси аҳолининг матбаа маҳсулотларига эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, сўнгги йилларда матбуот ва ахборот соҳасида юз берган туб ўзгаришлар, айниқса, нашриётларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш жараёнида юзага келувчи муносабатларни ҳуқуқий мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумки, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 1996 йилда қабул қилинган ва 2002 йилда тўлдирилган. Кўриб чиқилаётган лойиҳага эса ноширлик фаолияти соҳасида муҳим аҳамиятга эга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа ўтган йилнинг декабрь ойида парламент қуйи палатасида биринчи ўқишда маъқулланган эди. Шундан сўнг ишчи гуруҳ томонидан ҳужжат устида муайян ишлар амалга оширилди. Моддалар соддалаштирилди, фикрлар аниқ ва лўнда баён этилди.

Лойиҳа юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатларини қатор саволлар қизиқтирди.

Савол: — Нашриётлар қандай шаклда ташкил этилади?

Жавоб: — Нашриётлар исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда таъсис этилиши мумкин. Акциядорлик жамияти бўладими, масъулияти чекланган жамият ёки хусусий корхона кўринишидами, қонун бу борада чеклов ўрнатмайди.

Савол: — Таълим муассасалари қошидаги нашриётларнинг мақоми қандай?

Жавоб: — Улар юридик шахс мақомига эга. Аммо, фақат ўқув муассасасининг эҳтиёжлари учун босма маҳсулотлар чиқариши мумкин.

Депутатлар, шунингдек, учинчи ўқишда киритилаётган «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу ҳужжат қуйи палатада иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама этилаётганида, унинг 9-моддаси анча мунозарага сабаб бўлган эди. Шу боис, ушбу моддани такомиллаштириш вазифаси масъул қўмитага топширилганди. Фракция аъзолари ишчи гуруҳи фаолияти якунларини муҳокама қилдилар. Бу ҳақда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Фурқат Ҳотамовнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда фракция вакилларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Самарқанд давлат университети қошида бугун учта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Энг қувонарли жиҳати шундаки, мазкур илм масканларини тамомлаётган аксарият ўқувчи-ёшлар олий ўқув юртлари талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлишмоқда. Айниқса 1-сон академик лицейи ўқувчилари ҳавасга арзигулик ютуқларни қўлга киритишмоқда. Хусусан, лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Нилуфар Бобоқамбарова бу йил Тошкентда ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этиб, фахрли 3-ўрин соҳибаси бўлди. Шунингдек, Муҳсин Ражабов, Мадина Муҳиддинова, Нафиса Омонова («Келажак овози» кўрик-танлови ғолиблари) Евгения Мустафина, (бадиий гимнастика бўйича спорт устаси) каби ёшлар лицейнинг фахр-ифтихори саналишади.



Суратда: *лицей ўқувчиси Мадина Муҳиддинова.*

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

ЎзХДП: Электорат манфаати

«МАДАД» — КАСАНАЧИГА МАДАД

Наманган туманининг Тепақўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг меҳнати билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун Европа ҳудудига ҳам етиб бораяпти. Айниқса, Тепақўрғонда тайёрланаётган — ангор эчки жунидан тўқилган иссиқ рўмолларни айтмайсизми!

Аввало, қишлоқ ҳақида тўхталсак. Ҳудудда 14636 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 7334 нафари хотин-қизлар. Қишлоқ аёллари ўз хонадонларига тўқув дастгоҳлари олиб киришганини узоқ тарих билан боғлашади. Аммо ангор эчки жунидан нақшин рўмоллар тўқиш истиқлол йилларида йўлга қўйилди.

Қишлоқда саноат корхонаси йўқ. Бироқ хотин-қизларнинг 90 фоизи доимий ҳунармандчилик билан шуғулланади. Уларнинг рўмол тўқишдан топаётган даромади рўзғор юритиш учун етиб ортади. Бироқ бу жараён муаммолардан холи эмас. Жумладан, маҳсулот учун хомашё етказиб келиш қиймати анча баланд. Тайёр маҳсулотга харидор топиш ҳам баъзида қийинчилик туғдиради. Бу-лардан ташқари, тўқувчи аёллар туман Бандликка кўмаклашиш марказида ҳисобда турмайдилар. Мунтазам иш билан банд ҳолида уларга меҳнат дафтарчаси очилмаган.

ЎзХДП туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти мазкур масалани атрофлича ўрганиб, хайрли ташаббус билан чиқди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқдаги Оқбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини қошида «Мадад» касаначилик маркази ташкил этилди. Бунгача ёшлар қаноти етакчиси Умиджон Солиев бир гуруҳ тарғиботчи ёшлар ва депутатлар билан бирга, маҳалла хонадонларида бўлиб, мавжуд аҳволни обдон ўрганди, ҳунарманд опа-сингилларнинг талаб ва эҳтиёжлари билан танишди.

Дастлаб марказга аъзо бўлишга иккиланаётганлар ташаббус моҳиятини тушуниб етгач, астойдил розилик билдиришди. Марказнинг эса олдига қўйган мақсадлари жуда катта. Қишлоқда истиқомат қилувчилар ўртасида қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича амалий ўқув машғулотлари ўтказиш, шу тариқа аҳолининг ҳуқуқий билимларини ўстириш, уй меҳнати билан шуғулланувчиларни қонунда белгиланган тартибда пенсия жамғармаларига жалб этиш, тўқувчилар тайёрлаган маҳсулотларни харидорга тўғридан-тўғри етказиш, қонуний тартибда халқаро савдога киритиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, шунингдек, хомашёни воситачиларсиз сотиб олиб, арзон маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш шулар жумласидандир.

«Мадад» касаначилик маркази келгусида бошқа қишлоқларда ҳам касаначилик асосида бандликнинг турли йўналишларини шакллантиришни мақсад қилган.

Мазкур ташаббус партия Дастурида белгиланган ижтимоий бозор иқтисодиётининг афзал жиҳатларига яна бир ёрқин мисолдир. Шунинг билан бирга, партия электорати вакилларининг меҳнатдан манфаатдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁШ ФАОЛЛАР БЕЛЛАШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Танлов «Истиқбол» аъзолари орасида эркин демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга; уларни ўз ортидан эргаштиришга қодир лидерларимиз, фаолларимиз кўплигини кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Жарилкасин Дошниязов. — Иштирокчиларнинг ўзларини таништириши, сиёсий билимлари бўйича савол-жавоблар, депутатликка номзод сифатида ўз дастури, истеъдодини намойиш этишини кўриб, келажак эгаси бўлишга муносиб ёшлар ўсиб-улғайиб келаётганига амин бўласиз...

Танлов якунида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Беруний агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Санъат Аметов биринчи, Амударё туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси Сайёра Реймова иккинчи, Қорақалпоқ давлат университети филология факультети талабаси Полатбек Кудияров учинчи ўринларга муносиб топилди. Қонликўл туманидаги саноат-транспорт коллежи талабаси Мақсет Абдуллаев, Кегайли туманидаги 9-мактаб ёшлар етакчиси Бахитжан Султанмуратов ва «Камолот» ЁИҲ Қўнғирот туман бўлими раисининг ўринбосари Бахитбой Тажимуратовлар рағбатлантирувчи ўрин ва мукофотларга сазовор бўлдилар. Улар орасидан энг истеъдодлиси 1 ноябрь — Ўзбекистон ХДП ташкил топган кун муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтказиладиган республика босқичига йўлланма олди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: *иштирокчилар танлов шартларини бажараётган пайтдан лавҳа.*

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ХУФЁНА «ФАОЛИЯТ» — ЖИНОЯТ ҲИСОБЛАНАДИ

Маълумки, Нурота тумани қоракўлчиликка, қисман деҳқончиликка ихтисослашган. Қишлоқларимиз тарқоқ, яъни тоғ этаклари ва чўл бағрида жойлашган. Ҳудудимиз катта. Нақд пулда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширувчи турғун савдо объектлари 187 та бўлиб, назорат касса машинаси ўрнатилиши зарур бўлгани 180 тани ташкил этади. Туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек, нақд пул тушумининг банкка топширилиши бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида савдо объектларида хронометражлар ўтказилиб, натижада савдо тушуми 118819,0 минг сўм ўсишига эришилди. Биргина июнь ойида режадаги савдо тушуми 880,0 ўрнига 881,0 миллион сўм ошириб бажарилди. Ҳукуматимизнинг нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартиришга оид қарорлари ижроси юзасидан ташкил қилинган инкассация гуруҳлари ва банк маълумотларига асосан 15 та текширишлар ўтказилди. Олтита ҳолатда назорат касса машиналаридан фойдаланмаслик, 7 ҳолатда НКМ ўрнатмасдан фаолият юритиш, 2 ҳолатда 45,4 минг сўм нақд пул маблағларини ноқонуний сарф қилиш ҳолатлари аниқланиб, текширишлар якуни бўйича ҳукуматимизнинг 2001 йил 22 июнь ва 2002 йил 5 августдаги қарорларига асосан ушбу хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тегишли тартибда молиявий жарималар қўлланилди.

«Шарофиддин Мажид Бақо» хусусий фирмасига қарашли ошхонада НКМни ишлатмасдан аҳолига пуллик хизмат кўрсатилганлиги, «Мулло Соддиқ» хусусий фирмасига қарашли АЕҚШда НКМ ишлатмаслик ҳолатлари ҳам маълум бўлди. Якка тартибдаги тадбиркорлардан Шакар Эрғашева, Неъмат Аслонов ва Садриддин Нажмиддинов савдо фаолияти билан шуғулланмасада савдо нуқтасига НКМ ўрнатмасдан аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширганлиги аниқланди. Яна бир якка тартибдаги тадбиркор Нурбек Ғаффоровга қарашли уяли алоқа компанияларига хизмат кўрсатиш шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда харидорга 1000 сўмлик харид чеки бермаганлиги, НКМни четлаб 10335,9 минг сўмлик савдо хизматини амалга оширганлиги аён бўлди.

Маҳаллий пахта ёғи ва ун маҳсулотини белгиланган нархлардан қиммат сотиш, ноқонуний равишда муомалага чиқарилишининг олдини олиш ниятида назорат тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ҳукуматимизнинг 2001 йил 30 октябрдаги 433-сонли қарорида 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб четдан келтириладиган ва республикамизда ишлаб чиқариладиган ун, ўсимлик ёғи маҳсулотлари фақат юридик шахслар томонидан шартномавий нархлар бўйича сотилиши белгилаб қўйилган. Мазкур қарор ижроси юзасидан кўрилган чора-тадбирларда 2 ҳолатда 570 килограмм ун ва бир ҳолатда 5 литр ўсимлик ёғи далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида кўрилган тадбирлар натижасида хуфёна равишда фаолият юритаётган 5 та ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш «яширин цехлар»и фош қилинди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейишади. Шундай экан, ҳар бир савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти қонун асосида юритилиши лозим. Шунда тадбиркор фаолияти ривож топади, бошига ташвиш тушмайди. Хуфёна фаолият эса жиноят ҳисобланади ва қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Акрам БЎРИЕВ,
Навоий вилоят, Нурота туман ДСИ қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Жиззах вилоятининг 2009 йил Манзилли дастурига киритилган касб-ҳунар коллежлари:

1.	Бахмал тумани, «Ўсмат» МФЙдаги 540 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Тиббиёт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
2.	Жиззах шаҳри, «Ҳамзаобод» маҳалласидаги 540 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Ҳуқуқ» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши
3.	Зомин тумани, «Ширин» ҚФЙ, Муғол қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Маиший хизмат ва транспорт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2009 йил 1 августгача.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили — Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефон/факс: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН — ПЕРУ:

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жаҳоннинг нуфузли ташкилот ва давлатлари билан тенг ҳуқуқли алоқаларни йўлга қўйди. Лотин Америкасининг етакчи давлатларидан бири саналган Перу ҳукумати ўзининг Марказий Осиёдаги биринчи фахрий консуллигини айнан Ўзбекистонда очган. Консуллик очилиши билан ҳамкорлик алоқалари янада жадаллашди. Перунинг мамлакатимиздаги фахрий консули Хосе ИБАРСЕНА билан суҳбатимиз давлатларимиз ўртасидаги алоқалар истиқболларига бағишланди.

— Перу ҳукумати Марказий Осиё давлатлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатаяпти. Бу ҳамкорлик айнан Ўзбекистондан бошланаётгани, албатта, бежиз бўлмаса керак?

— Ҳа, Перу ҳукумати ва президентимиз Алан Гарсия бугунги кунда ривожланиб бораётган Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қарор қилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугун бу минтақадаги муҳим стратегик аҳамият касб этаётган Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этиб бормоқда ва унинг очиқ сиёсатни йўлга қўйгани, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан қўлга киритаётган ютуқлари, албатта, ҳар қандай давлатни фаол ҳамкорлик қилишга ундайди. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб ўз фаолиятини йўлга қўйган консуллигимиз сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа жабҳалардаги алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилади. Кейинги йилларда белгилаган режаларимизда эса Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ҳам айнан Тошкентдаги консуллигимиз орқали фаол ҳамкорлик ўрнатиш ва дипломатик фаолиятни кучайтириб, яқин келажакда бу ерда элчихона очиш назарда тутилмоқда.

— Қайси йўналишдаги ҳамкорлик алоқаларига кўпроқ эътибор қаратилади?

— Ҳозирги вақтда иқтисодий алоқалар ривожланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон — Перу савдо палатасини шакллантириш устида иш олиб борилмоқда. Перуда ҳам Ўзбекистон иқтисодиётидаги сингари қишлоқ хўжалиги ва саноат жуда муҳим ўрин тутади. Бу тармоққа янги технологияларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик лойиҳаларининг амалиётга татбиқ этилиши яхши натижа бериши шубҳасиз. Шунингдек, Ўзбекистондаги маҳсулотларнинг Перуга ва бизда етиштирилаётган маҳсулотларни Ўзбекистонга экспорт қилинишига ҳам қизиқиш билдираётган ишбилармонлар кўпчиликни ташкил этади. Бу алоқаларни жонлантириш мақсадида ҳозир Перу ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга ташрифи режалаштирилмоқда.

Эътиборимизни қаратган яна бир йўналиш — маданият соҳасидир. Ўзбекистон ҳам, Перу ҳам қадимий давлатлар сирасига киради ва минг йиллар давомида бу ерларда шаклланган маданият ва анъаналар, албатта, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Биз Перу адабиёти, санъати, мусиқасини ўзбек халқига таништирар эканмиз, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жуда бой маданий меросини Перуга олиб борамиз. Фикримча, ўзбек маданияти ва санъати билан ҳали яқиндан танишишга улгурмаган Лотин Америкаси, жумладан, Перу халқи бу такрорланмас меросни жуда катта қизиқиш билан қарши олади ва келгусида халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар жадаллик билан ривожланишига аминман.

— Перу халқи Ўзбекистон билан яхши танишми?

— Ўзбекистон ҳақида перуликлар жуда кам маълумотга эга. Албатта, давлатларимиз ўртасидаги масофа ҳам бунга таъсир кўрсатган. Шунингдек, аввалги жўғрофия дарсликларида фақат собиқ совет ҳукумати тилга олинган ва бизда Марказий Осиё ҳақида маълумотлар деярли учрамасди. Ўзим ўқиган даврларни эслайдиган бўлсам, яъни йигирма йил аввалги дарсликларда фақат совет ҳукуматининг пойтахти тўғрисида маълумот бериларди. Бу минтақадаги давлатларнинг мустақиллигидан сўнг эса янги республикалар ҳақида маълумотларни ўзида мужассам этган янги жўғрофия ўргатила бошланди ва бемалол айта олишим мумкинки, кейинги авлод яъни, ёшларимиз Ўзбекистонни яхши билишади ва бу минтақани ўрганишга алоҳида қизиқиш билдиришади. Менинг ўзим Ўзбекистонга келар эканман, юртингизнинг ҳали биз учун нотаниш ва жуда мафтункор бўлган жиҳатлари кўп эканлигига амин бўлганман. Биз ана шу хазина ҳақида Перу ёшларига кўпроқ ахборот беришимиз керак.

— Ёшлар ҳақида гап кетганда, албатта, таълим соҳаси тилга олинади. Демак, келгуси алоқаларда таълим тизими алоҳида ўрин тутар экан-да?

— Албатта, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилади. Яқин кунларда икки томонлама ҳамкорликни назарда тутувчи шартномалар имзоланиши кутилмоқда. Бу консуллигимиз кўмагида испан тили ва маданиятини ўргатишга йўналтирилган Ўзбекистон университетлари билан амалга оширилади ҳамда бу шартнома профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, икки мамлакат олимларининг биргаликда изланишлар олиб бориши, шунингдек, испан тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари таъминотини назарда тутади.

— Нега айнан испан тили ва маданиятини ўргатиш назарда тутилмоқда?

— Испан тили Испанияга тегишли тил ҳисобланади, албатта. Лекин Лотин Америкасида бу тилда 350 миллиондан ортиқ аҳоли сўзлашади. Шу жумладан, Перу аҳолиси ҳам. Агар Ўзбекистонда испан тили ўрганилса, нафақат испан маданияти, балки Лотин Америкасининг бой маданиятини ўрганишга ҳам хизмат қилади.

— Ўзбекистонда консул бўлиб фаолият олиб бораётганингизга унча кўп вақт бўлмаса-да, юртимиз билан яхши таниш эканлигингиз билиниб турибди. Мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Кейинги 10 йил давомида иш юзасидан Ўзбекистонга тез-тез келиб турдим. Ҳар сафар Тошкентга келар эканман, янгидан-янги бунёдкорлик ишлари ва ўзгаришларга дуч келаман. Эътиборли жиҳати, бу фақат пойтахтда эмас, балки мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам яққол кўзга ташланади. Айниқса, катта-катта йўллар, кўприклар, янги корхоналару жаҳон андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналарнинг қурилаётгани Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради. Перу ҳукумати Ўзбекистондаги сиёсий-иқтисодий барқарорликни юқори баҳолайди ва уни минтақадаги муҳим стратегик ўрин тутувчи мамлакат деб ҳисоблайди. Яқинда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 17 йиллик шодиёналарини нишонлади. Мен ҳам ушбу ажойиб байрамда иштирок этдим. Халқингизнинг маданияти, санъати нақадар бой ва ўзига хослигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Имкониятдан фойдаланиб, ўзбек халқини бу улуғ байрам билан қутлайман, сизларга тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилайман.

Нозима ТОШПЎЛАТОВА суҳбатлашди.

БОЛИВИЯДАГИ ВАЗИЯТ МУҲОКАМА ЭТИЛАДИ

Жанубий Американинг ўнта давлати Чили президенти Мишель Бачелетнинг душанба куни Сантьягода шошилинч йиғилиш ўтказиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Жанубий Америка миллатлари Иттифоқининг (ЖАМИ) мазкур йиғилиши Боливиядаги тангликка бағишланади. Мишелнинг айтишича, учрашувда муаммони бартараф этиш бўйича барча чора-тадбирлар муҳокама қилинади. Аргентина, Венесуэла, Уругвай, Эквадор ва Чили президентлари саммитда иштирок этишини тасдиқлади.

Президент Эво Моралеснинг тарафдорлари ва унга қаршилар ўртасидаги қонли тўқнашувдан кейин Боливия шимолидаги Панто департаментида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Тўқнашув натижасида 16 нафар киши ҳалок бўлиб, ўнларча боливияликлар яраланган.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши курашга бағишланган конференцияси Венанинг Хофбург саройида иш бошлади, деб хабар беради РИА Новости. Конференцияда 50 мамлакатдан 300 нафар делегат, нодавлат ва халқаро ташкилот, шунингдек, БМТ ва Европа Иттифоқининг вакиллари иштирок этади. Икки кун давомида терроризм ва экстремизмга қарши курашда давлатлар, тижорат ташкилотлар ва ОАВнинг ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқади.

Эслатиб ўтамиз, шу мавзуга бағишланган илк конференция ўтган йил май ойида Вена шаҳрида ўтказилганди.

ХОРІJDA

ИНСУЛЬТНИ БОШДАН КЕЧИРДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси президенти Ким Чен Ир 14 август куни инсультни бошдан кечирди, деб хабар беради Японияннинг Киодо ахборот агентлиги. Уни операция қилиш учун Хитойдан беш нафар ҳарбий шифокор келган. Бемор айни вақтда тузалиш арафасида. Шифокорларнинг айтишича, бу касаллик оқибатида президентнинг баъзи тана аъзолари ишламай қолиши мумкин.

БРИТАНИЯЛИКЛАР ТАЪТИЛДАН ҚАЙТОЛМАЯПТИ

K&S Travel сайёҳлик компанияси инқирозга учраганидан кейин юзлаб британияликлар таътил сафаридан ўз юртига қайта олмаяпти, деб хабар беради РИА Новости.

Ўтган шанба куни компания фаолиятини тўхтатгач, унинг 150 нафар мижози Туркияда қолди. «Юзага келган вазиятдан зарар кўрганлар ватанига қайтиши учун қўлимиздан келганича ёрдам берамиз», — дейди Британия фуқаролик авиацияси Бошқармаси вакили. Компаниядан йўлланма олган 460 нафар киши суғурта бўйича пулини қайтиб олади.



Мазкур воқеа британиялик сайёҳларнинг умидини пучга чиқарган илк ҳолат эмас. Ўтган ҳафта мамлакатда учинчи энг йирик сайёҳлик компанияси — XL Leisure инқирозга учрагач, 85 минг нафар британияликлар хорижда қолиб кетди. Инқирозга иқтисоддаги танглик ва авиаёнилғи нархининг кўтарилиши сабаб бўлган.

НАМУНАЛИ ЁШ ОИЛА

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида Оила кодекси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан «Энг намунали ёш оила» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган ушбу тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қарши шаҳар ва барча туманлардан энг намунали деб топилган ёш оилалар иштирок этишди.

Хайрат аъзолари Муборак туманида истиқомат қилувчи Шириновлар оиласини кўрик-танловнинг ғолиби деб топишди. Тадбир ғолиблари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар.

«Туркистон-пресс»

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуриладиган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Т/р	Иншоот номи	Қуввати
	Олий ва ўрта махсус таълим объектлари	
	Янги қурилиш:	
1	Бухоро тумани, Кунжиқалъа ҚФЙдаги маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	540/50
2	Вобкент тумани, Янгикент ҚФЙдаги агросаноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	360/50
3	Жондор тумани, Ҳумин ҚФЙдаги педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	540/50
4	Жондор тумани, Далмун қишлоғидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	540/50
5	Олот тумани, Талқонсаёт қишлоғидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи	540/50
6	Пешку тумани, Қалъаи Миришкор ҚФЙдаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	540/50
7	Шофиркон тумани, Денов ҚФЙдаги педагогика ва сервис йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	540/50
8	Шофиркон тумани, Искогаре ҚФЙдаги маиший ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	540/50
9	Қоракўл тумани, Қуввача қишлоғидаги нефть ва газ саноати йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	540/50
10	Қоракўл тумани, Дарғали ҚФЙдаги педагогика ва спорт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	540/50
11	Қоракўл тумани, Човли ҚФЙдаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	540/50
12	Ғиждувон тумани, Фришкент ҚФЙдаги саноат ва транспорт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи	540/50
13	Ғиждувон тумани, Корахони қишлоғидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	540/50

Қурилишни тугатиш муддати — 2009 йил 1 август.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Факс: 223-63-23, тел: 223-63-26

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларни мукаммал таъмирлаш бўйича ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қанашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги МХХ бошқармасининг маъмурий биноси қурилиши (I босқич)

Ишларни тугаллаш муддати — 2008 йил 31 декабргача.

Ишларни молиялаштириш Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.

Телефон/факс: (8-372) 222-31-59, 222-30-11.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: мудофаа объектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун лицензияга, танлов савдолари предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб, «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
1	*Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Сувомбори қишлоғида «Транспорт ва сервис» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши*	11 ой
2	*Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чандир қишлоғида «Иқтисодиёт ва сервис» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши*	11,5 ой
3	*Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Жумабозор қишлоғида «Иқтисодиёт ва сервис» йўналишидаги 825 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши*	11,5 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: *Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

Спорт

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий спортчилар — Ўзбекистон Республикаси Олимпия терма жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси таркибининг асосини Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) вакиллари ташкил этиши анъанага айланган. Пекин олимпиадасида иштирок этган спортчиларимизнинг 20 нафари ҳарбий спортчи эди. Қувонарлиси, ҳарбий спортчиларимиз Пекин олимпиадасида ҳам муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олишди. Олимпиадада Ўзбекистонимиз ҳисобига ёзилган дастлабки медални ҳам айнан ҳарбий спортчи — кичик сержант, дзюдочи Ришод Собиров қўлга киритган бўлса, терма жамоамиз ҳисобига яна бир бронза медалини трамполин мусобақаларида кичик сержант Екатерина Хилько қўшди.

Ҳарбий спортчиларимиз эришган бу улкан ютуқни муносиб рағбатлантириш мақсадида уюштирилган тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Руслан Мирзаев олимпиадачиларни муваффақиятли иштироки билан самимий қутлади. Совриндорлар ва яхши натижа кўрсатган спортчилар ҳамда уларнинг мураббийларини пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. Шунингдек, Ватанимиз спорт шуҳратига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Марказий ҳарбий спорт клубининг бир гуруҳ аъзолари унвонлари муддатидан олдин оширилгани билан қутланди.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА

Шу кунларда Хитой пойтахти Пекинда Паралимпия ўйинлари қизғин давом этмоқда. Унда дунёнинг 140 давлатидан келган тўрт минг нафардан зиёд имконияти чекланган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришаётир.

Ўзбекистон спортчилари ушбу нуфузли мусобақа дастуридан жой олган сузиш, пауэрлифтинг ҳамда футбол турлари бўйича иштирок этишмоқда. Футбол баҳсларида Ахназар Бердиев бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз илк учрашувда Таиланд вакилларига имкониятни бой берганди. Иккинчи ўйинда ҳамюртларимиз Австралия терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнашди. Натижада вакилларимиз медаллар учун курашни барвақт якунлаб, бешинчи ўрин учун Малайзия футболчиларига қарши баҳс юритишга мажбур бўлдилар. Сўнгги учрашувда ҳужумкор ўйин намойиш этган Ўзбекистон терма жамоаси рақиблари устидан 6:1 ҳисобида зафар қучишди.

Кеча бошланган сузиш мусобақаларида спортчимиз Фарҳод Саидов баҳсларга киришган бўлса, яна бир вакилимиз Равиль Диганшин пауэрлифтинг бўйича ўз омадини синаб кўради.

Паралимпия ўйинлари 17 сентябрь куни ўз ниҳоясига етади.

(Ўз мухбиримиз.)

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан келган саккиз юз нафардан зиёд ўғил-қиз ғолиблик учун татамига чиқишди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Андижон вилоятлари ёш каратэчилари кучли учликдан жой олдилар.

— Мусобақа низомига кўра, ғолиблар шу йил ноябрда Японияда ўтказиладиган жаҳон биринчилиги ва декабрь ойида Малайзияда бўладиган Осиё кубоги баҳсларида қатнашишлари кўзда тутилган эди, — дейди Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси бош котиби Дилшод Каримов. — Бу эса ўз навбатида баҳсларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

— Мен шу йилнинг баҳорида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган «Олтин водий» анъанавий республика турнирида бронза медалига сазовор бўлгандим, — дейди сурхондарёлик саккиз ёшли Зарина Бахтиёрова. — Бу галги баҳсларда бош совриннни қўлга киритдим. Бунда устозим Илҳом Шойназаровнинг ҳиссаси катта.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *Узун туманидаги «Чемпион» спорт клуби ёш каратэчиларидан бир гуруҳи.*

Муаллиф олган сурат.

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН УСТОЗ

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арфасида шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлган бир гуруҳ кишилар Президентимизнинг Фармонига мувофиқ «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотландилар.

Улар орасида Наманган шаҳридаги 18-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Собиржон Турғунов ҳам борлиги бутун вилоят таълим тизими ходимларини бирдек қувонтирди.

— Ўқитувчилик орқасидан элда обрў-эътибор топдим, фарзандларимни уйли, жойли қилдим, — дейди Собиржон Турғунов. — Мустақиллик туфайли эса биз, ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнати қадр топди, эмин-эркин ишлашимиз учун зарур шарт-шароит яратилди. Менимча, бунинг қадрига етишимиз керак.

Суратда: *Собиржон Турғунов ўқувчилари билан.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Маърифат — қалб гавҳари

САБР ШАРОФАТИ

гўзал ният ва аъло мукофот ҳикояти

Қўшнингиздан озор етди. Ундан ранжидингиз. Шу ҳолатда сира «қарздор» бўлиб қолишни хоҳламайсиз. Енг шимариб, унинг дарвозасини қоқмоқчисиз. Тўхтанг, бир нафас сабр қилинг!

Турмуш ўртоғингиз энг ёқтирган кўйлагингизга дазмол босаётиб, ёқасини куйдирибди. Бу — биринчи хато эмас, энди жазолаш лозим. Газабингиз чаённинг думидай гажакланади, тилингиздан заҳар томади. Тўхтанг, бир нафас сабр қилинг!

Сабр! Атиги бир сония бардош беринг. Жаҳл оти қанчалар асов, аммо тизгини сизнинг қўлингизда.

Биз бор-йўғи икки ҳолатда ғазаб оташини сўндиришга уриндик. Ҳолбуки, бундай манзара ҳаётнинг ҳар жабҳасида кўзга ташланади. Кимдир ўзининг ҳақлигини бойлиги, кимдир тили ва яна бошқаси дағдағаси билан исботлашга бел боғлайди. Шундай бир тоифа бор, зулмдан лаззат топади, бировнинг кўнглини оғритиб, бир ишни қойиллатган кишидай роҳатланади.

Бу ёруғ дунёдаги энг оғир гуноҳлардан бири — кўнгил ойнасига дарз етказиш эканини ҳамма ҳам билавермайди. Чунки, ҳукмронлик, ўзгалардан устунлик, бировлар тақдирига ҳокимлик қилиш истаги азалдан бор. Мана шундай хоҳиш-истак эгаларининг аксарияти, агар синчиклаб кузатсангиз, ёки заиф, ёки қўрқоқ, ёхуд жоҳил кимса бўлиб чиқади. Асли ақлга ишораки, куч-қудратига ишонган одам ҳеч қачон қўл остидагиларга таҳдид қилиб, обрў-эътибори, имон-эътиқоди-ю виждонига гард индирмайди.

Худди шу каби билимли, аҳли дониш зиёли ҳам нодонга жавоб сукут эканлигини ёдида сақлаб, жоҳил билан ёқалашиш даражасига етиб бормайди ва паст кетмайди. Александр Пушкиннинг: «Ахмоқ билан ўчакишма ҳеч!» — деган хитобида чуқур маъно бор. Халқимиз айтадики, қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осади. Яъни, ҳар ким ўз қилмишидан топади.

Билингки, ўзини ўзгалардан баланд кўрсатишга иштиёқманд шахс кун келиб иродасизлиги ошкор бўлишидан ҳадиксираб яшайди, юрагидаги хавотир ва қўрқувни шовқин-сурон, жанжал-тўполон, даҳанаки жанг билан ниқоблашга уринади.

Биз ҳеч маҳал ундайларга тақлид қилмаганмиз ва қилмаймиз ҳам. Ўзини ҳурмат қилган киши, албатта, мўмин биродари шахсиятини ҳам эҳтиётлайди, иззатини жойига қўяди. Бу одоб-ахлоқнинг гўзал ифодаси саналади.

Аслида, кўнгилнинг вайрон этилиши учун бир оғиз ножўя сўз кифоя. Аммо, бир инсон қалбини ром этиш учун баъзан йиллаб йўл ахтарасиз, бутун меҳр-муҳаббатингиздан дастурхон ясайсиз, жонингизни фидо айлайсиз. Шундай заҳмат ила забт этилган дил торини ногаҳон, беихтиёр, гоҳида эса билиб туриб узишдан Оллоҳ асрасин. Негаки, оламда ТОПИШ қийин, ЙЎҚОТИШ эса осон.

Тўғриси, одамзодга кўп нарса керак эмас. Биз ўша керак бўлмаган нарсалардан ортиқча матоҳ ясаб, елкамизга ортамиз-да, кейин умр бўйи бу юкни кўтариб юрамиз. Ақлли, оқил киши жаҳли чиққанида ҳам идрокини қочирмайди, етти ўлчаб бир кесади, санамай саккиз демайди. Шу боис ҳам шайх Саъдий: «Мардлик ўзни тута билиш ва ақлга бўйсунишдир», деб ёзган эди.

Ҳазрати Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин) дебдики:

— Ким, бир қалбга севинч берса, Раббим бу қувончдан бир лутф яратади. Вақти келиб, шу инсон бошига мусибат тушса, ана шу лутф сув каби ул кимсанинг қалбига оқиб кириб, у ердан қайғуни ҳайдаб чиқаради.

Ёки:

— Кимнингки ҳожати чиқмаётган бўлса, сабабини ўзи қачондир бировнинг оғирини зиммасига олмаганидан қидиргани тўғрироқ бўлади.

Муқаддас китобларда жаннати одамлар ҳақида кўпдан-кўп таърифлар берилган. Бунда на амал, на мол-дунё инобатга олинади. Қалбида ҳеч кимга нисбатан ғарази йўқ, ҳеч кимга ҳасад қилмаган, бировнинг дилини оғритмаган, ҳаммага яхшиликни раво кўрган кишилар толеи баланд бўлиши уқтирилган.

Азиз биродар, бирингиз қўшнига, яна бирингиз аҳли аёлингизга ғазабингизни сочмай, сабр қилдингиз, кўнгил ойнасига дарз етказмадингиз, демакким, ҳам ўз кўнгил ойнангизни асрадингиз, ҳам улуғ ажрга эришдингиз. Илоҳим, ҳар биримизни кўнгил кўнгилдан сув ичиб, лаззатланишни ҳис қилишдай гўзал ахлоқ ила зийнатласин.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Банк ва омонат

БОЙИШНИНГ ЗЎР ЙЎЛИ

«Асакабанк»нинг Хоразм вилоят бўлимига бир иш билан кирдим. Ичкарида мижозлар кўп. Кимдир пул оляпти, яна биров топширяпти. Банк ғазначисининг қўли-қўлига тегмайди.

Банк томонидан очилган омонат турлари ҳақидаги эълонлар осилган бурчакдаги маълумотлар билан эринмасдан танишаётган бир киши эътиборимни тортди. У эълонларни ўқиб, нималарнидир ён дафтарчасига қайд этарди.

Танишдик. Ўзини урганчлик Раҳимбой ака деб таништирган бу киши аллақачон нафақага чиққан бўлиб, банкнинг омонат турлари бўйича доимий мижозларидан бири экан. Раҳимбой аканинг фикри, тўғрироғи, ўзига хос «тадбиркор»лиги мени лол қолдирди. У аввалига икки йиллик нафақасини янги очилган омонат турига ўтказган ва йиллик фоизларини олиб борган. Мўмай даромадга эга бўлгач, бунга қизиқиб қолиб, эски машинасини сотиб, яна бир омонат дафтарчаси очдирган. Кейин ҳўкизини сотиб, пулини банкка қўйган.

— Ҳозир бешта омонат дафтарчам бўлиб, унда ўн миллион сўмдан ошиқ жамғармам бор, — дейди у. — Уларнинг йиллик фоизлари икки миллион сўмдан ошади. Ойига камида икки юз минг сўм атрофида қўлимга пул тегади. Бу ёқда юз ўттиз беш минг сўм нафақа оламан. Кампиримники ҳам шу атрофда. Қўлимиз узатган жойга етади. Ўтган йили шу фоизлар эвазига кичик ўғлимизга уй олиб бердик, мол-ҳолни ҳам аста-секин жойига қўйдик. Ҳукуматга раҳмат, омонат дафтарчамдан келаётган даромадга росмана яшаяпмиз.

Яна бир танишим бор. Бир вақтлари савдогарлик билан шуғулланиб, ҳатто дўкон ҳам қурганди. Икки-уч йил бўлди: ҳаммасини йиғиштирди. Нафақага чиқдими ё оғриниб қолдими, деб ўйлагандим. Қайда! Ёши олтмишга борган бўлса-да, ҳали тетик, тагида яп-янги «Нексия».

Уч йил олдин бор маблағини қайсидир банкка йигирма саккиз фоизлик омонат турига қўйган эди. Қарабсизки, йилига фалон миллион сўм ўз-ўзидан оқиб келяпти.

— Истиқлол имкони бу, — дейди ўша танишим. — Ишлаб топган ҳалол маблағимнинг мевасини беминнат еб юрибман. Ҳар йили икки марта сиҳатгоҳга бориб, дам оламан. Ўтган йили аянгиз билан Мисрдаги пирамидаларни кўриб келдик...

Шўро замонида банкларнинг энг юқори омонат тўловлари атиги уч фоиз бўларди. Оддий муаллим беш йиллик маошини йиғиб, банкка омонатга қўйса, ойига кўпи билан бир қоп унга етадиган пул оларди, холос. Ҳозирги муаллим эса шу даврдаги шу миқдор маошини омонатга қўйса, ҳар ойда энг камида ўн қоп ун келадиган маблағнинг эгаси бўлади. Энди ўзингиз таққослайверинг.

Бу мутлақо ташвиқот эмас, бор ҳақиқат. Юртбошимизнинг фуқаролар омонатлари борасидаги фармони барчага яхшигина имкон берганлигига имон келтирдик, холос.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Ўзмиллийбанк» балансида турган мол-мулкни сотиш мақсадида потенциал инвесторларни саралаб олиш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Мулкий комплекс қуйидагилардан иборат:

◆ оқсилли чигит изоляти ва чигит шулхаси ишлаб чиқариш бўйича технологик ускуна:

— оқсилли чигит изоляти — йилига 1.200 тонна;

— чигит шулхаси — йилига 5.800 тонна;

◆ 1,1 гектар майдонга эга ер участкасида жойлашган, умумий майдони 3,689,75 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш, омбор, маъмурий бинолар ва бошқа иншоотлар.

2. Мулкий комплекс қуйидаги манзилда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош қишлоғи.

3. Танлов ҳужжатларини ҳамда танловни ўтказиш тартиби ва процедураси ҳақидаги қўшимча маълумотларни танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармасидан олиш мумкин.

4. «Ўзмиллийбанк» танлов таклифларини қабул қиладиган охирги муддат — 2008 йил 16 октябрь куни соат 18.00 гача (маҳаллий вақт билан).

Танлов ҳужжатларини ва қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» Кредит хатарлари бош бошқармаси. ***Телефон: 234-42-69, 234-11-17.***

Факс: 235-57-04.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda